

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“АРХИТЕКТУРА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

“ЛАНДШАФТ ЛОЙИҲАЛАШ”
ФАНИДАН
“МИЛЛИЙ БОҒЛАР -“ЧОРБОҒ”ЛАРНИ
ЛАНДШАФТ ЛОЙИҲАЛАШ”
МАВЗУСИДА КУРС ЛОЙИҲАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

5А340100- “Ланшафтлар архитектураси”
мутахассислиги талабалари учун



Самарканд-2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“АРХИТЕКТУРА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ”
КАФЕДРАСИ**

Институт илмий услубий
кенгаши томонидан куриб
чиқилди ва чоп этишга
рухсат берилди.

Руйхатга олинди _____

Баённома № _____

“ ____ ” _____ 2015 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Институтнинг илмий
услубий кенгаши раиси
Техн. фан. ном. доц.

А. Т. Қўлдошев.

« ____ » _____ 2015 йил

**“ЛАНДШАФТ ЛОЙИҲАЛАШ”
ФАНИДАН
“МИЛЛИЙ БОҒЛАР -“ЧОРБОҒ”ЛАРНИ
ЛАНДШАФТ ЛОЙИҲАЛАШ”
МАВЗУСИДАГИ КУРС ЛОЙИҲАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

5А340100- “Ланшафтлар архитектураси”
мутахассислиги талабалари учун мўлжалланган

Самарканд 2015 йил.

Ушбу услубий қўлланма “Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун лойиҳалаш фанининг “Миллий меъморий боғлар - “Чорбоғ” ларни ландшафт лойиҳалаш” мавзусида курс лойиҳасини бажаришга мўлжалланган.

Услубий қўлланмада “Миллий меъморий боғлар - “Чорбоғ” ларни ландшафт лойиҳалаш” мавзусида курс лойиҳасини бажариш учун услубий тавсиялар, боғларнинг меъморий ландшафт лойиҳалаш тамойиллари, лойиҳалаш тартиби ва таркиби, лойиҳалашга қўйиладиган асосий талаблар, лойиҳани бажариш босқичлари кўрсатиб берилган.

Миллий боғларни кўкаламзорлаштиришда қўлланиладиган дарахт ва бўталар ва уларни танлаш тамойиллари, суғориш қурилмалари ҳам ёритиб берилган.

Ушбу услубий қўлланманинг охириги қисмида талабалар томонидан бажарилган курс иши намуналаридан илова қилинган.

Услубий қўлланмадан нафақат талабалар, бошқа архитектура соҳасида таълим олаётган бакалавр ва магистрлар шунингдек бошқа ҳоҳловчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар:

Уралов Ақтам Синдорович -“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси профессори, архитектура доктори.

Мирзаев Дилшод Мардонович -“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси ассистенти.

Тақризчилар:

Тоштемиров Равон Тоштемирович -“Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси доценти, архитектура номзоди.

Болгаев Абдусамат Болгаевич. -“Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси доценти, архитектура номзоди.

Ушбу услубий қўлланма “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси (“_____” _____ 2015 йил, _____-сонли баённома) ва СамДАКИ Архитектура факультетининг илмий - услубий кенгашида (“_____” _____ 2015 йил, _____-сонли баённома) кўриб чиқилган ва мақулланган.

Кириш.

Қадим замонлардан инсоният онги ривожланиб ўзини ва атроф-муҳитни билиб бошлагандан бўён ўз ҳаётини ва турмуш тарзини яхшилаш устида шуғулланиб келмокда. Бунинг исботи қадимги Юнонистондан бошлаб бугунги кундаги ҳаёт тарзимиздаги фарқларни олайлик. Инсоннинг ҳис туйғу, ҳаяжон, фикрлаш қобилияти, доимо гузалликни ҳис қилиб гузалликка интилиши, ижодкорлиги ва танлаш - саралаш қобилияти шу кунгача бутун ер юзидаги ва жамиятдаги оламшумул янгилик ва ўзгаришларни юзага келтирган. Бундай янгиликларни жамиятнинг ҳар қандай соҳасида кўриш мумкин. Мисол учун, меъморчилик инсон ҳаёти ва фаолиятида энг муҳим ва ажратиб бўлмас рол ўйнайди. Чўнки, антик даврдаги инсонлар тошлар ичидан танлаш қобилияти орқали керакли ҳажм ва ўлчам ҳамда шаклдаги тошни танлаб олиб уларни бир-бирига қалаштириб ўрнатиб ўзи яшаб қолиши учун ёрдам берувчи паноҳ хона ёки ошиён қурган. Ушбу ҳолат яъни инсоннинг ўзи ўз ҳаёти ва турмуш тарзини янгилаш ҳамда яхшилашга интилиш қобилияти шунчалик ривожланишга олиб келдики, бугунги кунда ўша антик даврдаги тошдан қилинган ошиёнлар кўп қаватли замонавий уйларни яратилишига сабабчи бўлди. Шу ўринда буюк соҳибқурон бобомиз Амир Темурнинг “Кўчу-кудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг” деган сўзларини келтириб ўтишимиз мумкин. Бу ривожланиш ўз ўрнида архитектура ва шаҳарсозлик лойиҳалари каби ландшафт архитектура объектларини ҳам лойиҳалаш ва шу лойиҳалар асосида ландшафт архитектураси объектларини қуришни тақозо қилмокда. Дарҳақиқат, агар биз шаҳар ва қишлоқларимиз жамолини фойзли ва кўркем бўлишини истасак, нафақат уларда қурилатган бино ва иншоотлар кўрки ва архитектурасига, балки очиқ муҳитлар архитектураси яъни ландшафт архитектураси объектларининг лойиҳаларига ҳам буюртмалар беришимиз зарур бўлмокда. Бундай ҳолат ландшафт архитектураси объектларидан “Миллий меъморий боғлар - “Чорбоғ” ларни кўкаламзорлаштириш тизими, санитария-ҳимоя ва ихота зоналари ҳамда сув ҳавзалари билан боғлиқ ландшафт архитектураси объектлари: табиий ва сунъий прудлар, кўлларнинг табиий муҳити ва экологик талабларни ҳисобга олинишини тақозо қилмокда.

Юқоридагиларга кура ландшафт архитектураси объектларидан бўлган “Миллий меъморий боғлар - “Чорбоғ”ларни қадимдаги каби ёки Соҳибқурон Амир Темур томонидан қурилган “Чорбоғ”лар каби қайта тиклаш ва уларга замонавий рўҳ бериш лозим бўлмокда.

МИЛЛИЙ БОҒЛАР -“ЧОРБОҒ”ЛАРНИ ЛАНДШАФТ ЛОЙИХАЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

1. Ананавий миллий боғлар -“Чорбоғ”лар ҳақидаги умумий тушунчалар ва“Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ҳамда ландшафт ечимларига хос анъаналар

Ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалаш мавзулари турли-туман ва кўп қирралидир. Уларни умумлаштирган ҳолда гуруҳларга ва йўналишларга бўлиш мумкин. Бу объектларини энг асосий шохона йўналиши миллий боғлар “Чорбоғ”лар бўлиб ҳисобланади. Қуйида ушбу “Чорбоғ” услубидаги миллий боғларнинг тарихи, хусусияти, яратилиши ва ўзига хослиги ҳамда меъморий ландшафт ечимлари ҳақида тўхталиб ўтилади.

Биз ушбу қўлланмада замонавий янги боғ-паркларни лойиҳалаш ва мавжуд истироҳат боғларини қайта қуришда (таъмирлашда) Ўрта Осиё халқларининг тарихий боғ-паркларига хос бўлган “Чорбоғ” услубидан фойдаланиш ва уни қўллаш тамойиллари устида тўхталиб ўтамыз. “Чорбоғ”лар ўтмишда нафақат Ўрта Осиёда, балки Афғонистон, Эрон, Туркия, Покистон ва Шимолий Ҳиндистон шаҳарларида ҳам кўплаб бунёд этирилган. Биргина Самарқанд шаҳри атрофида Темур ва темурийлар томонидан 10 дан зиёд боғлар яратилгани ҳаммамизга маълум. Барча темурийлар, Бобур ва бобурийлар ҳамда уларнинг аёнлари яратган чорбоғлар сони эса юзга яқин. Бироқ, Ўзбекистонда Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса ва Хивадаги Нуруллабой қасрининг боғларини ҳисобга олмасак, бизгача бирорта ҳам Чорбоғ услубини ўзида тўла-тўқис акс эттирган боғ ёки чорбоғ етиб келмаган.

Бугунги Мустақиллик даврида маҳаллий иқлим ва ер-сув шароитлари ҳисобга олиниб қурилган тарихий чорбоғларга катта эҳтиёж туғилмоқда. Ахир, наҳотки, Амир Темур ва темурийлар даврида гуллаб яшнаган боғ-парк санъати ва унга хос бўлган “Чорбоғ” услубини қайта тиклаб бўлмаса? Бунинг яққаю-ягона илоҳи Темурийларнинг сўнгги сулоласи - Бобурийлар яратган ва бизгача қисман сақланган меъморий боғларни, тарихий чорбоғлар акс этирилган миниатюраларни, Эрон, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон ва Туркияда ҳамда Ислом шарқи мамлакатларида то XIX асрларгача давом этган меъморий боғдорчилик мактабларининг меросини ва бу соҳадаги тарихий манбаларни ўрганмоқ керак. Шу жумладан, Аградаги Тож Маҳал мақбара боғ-саройини, Акбарободда, Лахорда, Стамбулда, Исфahонда, Кошонда, шунингдек, Ўрта Шарқнинг бошқа шаҳарларида сақланиб қолган чорбоғлар ўзига ўша тарихий анъаналарни сингдирганки, уларни бугунги кунда қиёсий ўрганиш катта аҳамият касб этади.

2.“Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимлари


“Чорбоғ” услубидаги боғ-саройларнинг режаси квадрат ёки тўртбурчак шаклида, атрофи баланд деворлар билан ўралган, таркибида тўрт ва ундан кўп қисмлардан иборат боғлар бўлган. Чорбоғлардаги режавий мунтазамлик, таркибий уйғунлик ва атроф муҳитдан чегараланиш ўзига хос холисликни, яъни ушбу услубнинг асосий фалсафий моҳиятини ташкил қилади.

Чорбоғларнинг баланд дарвозалари бўлиб, улардан боғ марказида жойлашган саройга бош ва ёнбош хиёбонлар орқали борилган. Боғ ҳудуди бош хиёбонга нисбатан симметрик жойлашган бир талай тенг квадрат катакларга, олти ва учбурчак шаклидаги “чорчама”ларга бўлинган. “Чорчама”лар ҳам ўз навбатида яна майда

тенг қисмларга –“чаман”ларга бўлинган. Бу бўлинишлар боғ дарвозасидан бошланиб, бош ҳиёбонга кўра симметрик тарзда амалга оширилган.

Демак, “Чорбоғ” бу модулли (миқёсий) боғ, яъни режавий тузилишига кўра мунтазам квадрат катаклар тўрига асосланиб шакллантирилган боғдир. Унда кичик модул ролини “чаман”лар бажарса, катта модул бу “чорчаман”дир. Кўриниб турибдики, чорбоғ ўзининг меъморий-режавий ва ландшафт ечимига кўра геометрик уйғунлик, яъни мунтазамлик ва симметрия назариясига асосланган. Демак, биз чорбоғни меъморий-режавий жиҳатдан геометрик уйғунлик ва холислик асосида шаклланган, мунтазам симметрик режадаги тўрт ва ундан кўп бир-бирига тенг миқёсий қисмлардан тузилган тартибли боғ деб тушунишимиз мумкин (1-расм).

Чорбоғда “яшил дунё”, “сув дунёси”, “ҳайвонот дунёси”, ер (тупрок), микро-иклим, қурилган иморат ва иншоотларнинг меъморий ва ландшафт уйғунлиги боғнинг меъморий яхлитлигини таъминласа, боғнинг баланд деворлар билан чегараланганлиги унинг ташқи муҳитдан холислигини таъминлаган. Шу туфайли чор-боғ “жаннат” рамзи ҳисобланган. Чорбоғ, чорчаман, ховузлар ва боғлардаги чортоқ (кўшк-сарой)лар ҳам “мараббаъ” (чорсу), яъни квадрат шаклли мунтазам симметрик режага асосланган.



1-расм. Чорбоғнинг мумтоз тарҳий ечими. Боғ марказидаги катта жаннат ҳовузи ёки фавворадан тошиб тушган сув дунёнинг тўрт тарафига қараб йўналтирилган тўртта жаннат ариқлари бўйлаб оқади ва тўртта жаннат богини ташкил қилади.

Чорбоғнинг чорчаман ва чаманлари, боғ-саройи ва иморатлари ўзаро кесишувчи ўқ ариқлар бўйлаб ўтган хиёбонлар ва уларга симметрик жойлашган сайргоҳ йўллар билан боғланган. Чорбоғнинг мунтазам тартибдаги ариқлар билан таъминланиши Ўрта Осиёнинг иссиқ ва қуруқ иқлими шароитига мос келган.

Чорбоғ режавий ечимидаги тарихий боғларга Самарқанд атрофидаги нисбатан текис жойларда бунёд этилган Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Шамол, Боғи Нав, Бухородаги Хонобод боғи, Ситораи Моҳи Хоса, Ҳирот боғлари ҳамда Исфахондаги Майдони-Шох, Шаҳарбоғ, Кошондаги Боғи Фин, Аградаги Тож Маҳал боғларини мисол қилиб кўрсатамиз.

Бундай боғларда манзарали ва мевали дарахтлар бирга экилган. Ўсимликлар маҳаллий табиий иқлим шароитларига мос ҳолда танланган. Сув ва соя чорбоғ услубидаги боғларга ҳам хос бўлган умумий хусусиятлардир.

Ҳиндистонда Бобур ва бобурийлар қурган чорбоғлар ҳамда Ўрта Осиё тарихий боғларининг Самарқандда Амир Темур ва темурийлар яратган боғлардан ўзларининг хиёбон-чорбоғ, поғонали кўп сахли чорбоғ, боғ асосий биноси (кўшк-сарой)нинг боғ марказида эмас балки боғ тўрига кўчирилганлиги, боғлар таркибида оддий фавворалар ва ҳовузлардан ташқари ғаройиб сув қурилмалари (йирик каналлар, бассейнлар, чадарлар, чини-хана ва чабутралар, чўмилиш ҳовузларига эга бўлган ҳаммомлар)нинг мавжудлиги ва айрим мақбара-боғ кўринишларини олганлиги билан фарқ қилади.


“Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимлари икки хил бўлиб булар қуйидагилардан иборат:

а) “чорбоғ” услубида тўғри мунтазам симметрик тартибда қурилган боғ-саройлар;

Мисол. Ҳиндистонда Бобур тамонидан Аграда чорбоғ услубида қурилган Тож-Маҳал мақбара боғ саройи. Ушбу Тож-Маҳал мақбара боғ саройи мунтазам симметрик режадаги бир-бирига тенг миқёсий қисмлардан тузилган. Боғ асосий биноси Тож-Маҳал мақбарасининг боғ марказида эмас балки боғ тўрига кўчирилганлиги ушбу мақбара салоҳияти ва улуғворлиги ҳамда илоҳийлигини оширибгина қолмай “чорбоғ” услубида тўғри мунтазам симметрик тартибда қурилган боғ-саройларга меъморий ритмик давомийликни ўзига мужассам қилган(2-3- 4-5-6 расмлар).



2-расм. Аграда Чорбоғ услубида қурилган Тож-Маҳал мақбара боғ саройи. 1630-1653йй.






3-расм. Чорбоғ услубида қурилган Тоғ-Маҳал мақбара боғ-саройининг меъморий-ландшафт кўринишлари.



4 - расм. Исфакон. Чорбоғ услубида қурилган. Майдони-Шах боғ ансамблининг умумий кўриниши.



5 - *расм.* Исфакон. Чорбоғ услубида қўрилган. Майдони-Шах боғ ансамблининг умумий кўриниши.



6 - *расм.* Исфакон. Чорбоғ услубида қўрилган. Майдони-Шах боғ ансамблининг умумий тарҳий ечими.

б) эркин табиат кўринишида бунёд этилган пейзажли боғлар.

Мисол тарзида Амир Темури тамонидан бунёд этилган Боғи Жаҳон-Намо ва Тахти Қорача боғларини келтириш мумкин.

в) аралаш услубда, яъни бир қисми мунтазам симметрик режада курилиб, қолган қисмлари эркин табиат кўринишида қолдирилган боғлар.

Мисол. Ургут тоғ олди этагида бунёд этилган Давлатобод боғи. Боғ аралаш услубда, яъни боғ саройи жойлашган қисми мунтазам симметрик режада курилиб, қолган қисмларида эркин табиат кўриниши сақлаб қолдирилган.



7-расм. Кошондаги Боғи Фин.

Бу ерда “чорбоғ” услубида тўғри мунтазам симметрик тартибда қурилган боғ-саройлар жумласидан Майдони-Шах боғ ансамбли ўз жойлашувидан келиб чиқиб чорбоғнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечими ишлаб чиқилган.

Бобурийлар яратган чорбоғларнинг гулзорлари кенг сахли гулистон кўринишида бўлиб, бу гулистонлар бир-бирига контраст рангларда экилган.

Ўрта Осиёдаги Темурийлар даври чорбоғларидаги гулзорлар эса асосан гиламнусха кўринишида ишланиб, чўзинчоқ шаклларга эга бўлган. Темурийлар чорбоғларига махсус узумзорлар ва анжирзорлар хос бўлса, Бобурийлар боғларида зайтунзорлар кўп бўлган. Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бизгача сақланган тарихий чорбоғлар тарҳини ўрганиш, улардаги бош хиёбонлар ва асосий йўлакларнинг ўзаро кесишган ва тугаган жойлари боғнинг бирон-бир муҳим объекти

ёки боғ-парк иншооти билан безатилганлигини кўрсатади. Хиёбонлар кесишган, айрим ҳолларда улар тугаган жойларда боғ-саройлар, кўшклар, ҳовузлар ёки фавворалар жойлашганлигини кўрсак, улар бошланган ёки тугаган жойларда дарвозалар, боғ иморатлари ва айвонларни учратамиз. (7-8-9 расмлар).



8 - расм. Лаҳор. Боғи Шаҳдарадаги Жаҳонгир мақбарасининг "Чорбоғ" услубидаги ландшафт ечимлари.




9 - расм. Лаҳор. Боғи Шаҳдарадаги Жаҳонгир мақбарасининг "Чорбоғ" услубидаги ландшафт ечимлари.

Тоғ этаклари ва қияликларида қурилган боғлар ҳудуди бир нечта текис поғоналарга бўлиб чиқилиб, уларнинг саҳнлари бир-бири билан тиргак деворлар, юриш йўллари ва хиёбонлари эса зинапоялар орқали боғланган. Боғда пастдан юқорига ёки, аксинча, юқоридан пасга қараб юрганлар кўз ўнгида боғ манзаралари ва перспектив кўринишлар намоён бўлган.

3. Замонавий ландшафт архитектураси ва боғ-парк амалиётида “Чорбоғ” услубини қайта тиклаш бўйича ишлаб чиқилган график таклифлар

Ана шу анъаналарни ўрганиш асосида замонавий ландшафт архитектураси ва боғ-парк амалиётида “чорбоғ” услубини қайта тиклаш бўйича бир қанча график таклифлар ишлаб чиқилган. Уларни навбатдаги параграфларда кўриб чиқамиз.

Архитектурашунослик фанида “Чорбоғ” услубининг илк график реконструкцияси бундан 60 йил муқаддам (1951 йилда) академик Г.А. Пугаченкова томонидан ишлаб чиқилган эди (10-расм).



10-расм. Анъанавий Чорбоғ услубининг Г.А.Пугаченкова ишлаган реконструкцияси. 1951 й.: 1-дарвоза; 2-бош хиёбон; 3- ҳовуз; 4-гулзор; 5- боғ кўшики (сарой); 6-шийпон; 7-сайргоҳ йўллари.

Унда чорбоғ квадрат тархда, атрофлари деворлар билан ўралган, дарвозали ва бош ўққа нисбатан симметрик жойлашган чорчаманлар, марказий хиёбон, боғ марказида эса кўшк-сарой, унинг олдида сарҳовуз ва гулзор, ёнида шийпон тасвирланган.

1998 йилда ушбу реконструкцияни ва бу соҳадаги бизгача сақланган миниатю-раларни ўрганиш асосида архитектура доктори Д.А.Нозилов чорбоғ реконструкциясини 2 хил вариантда ишлаб чиқади (11-расм). Ҳар иккала вариантда ҳам чорбоғ архи квадрат шаклида, унинг реконструкцияси эса аксонометрик кўринишда акс эттирилган бўлиб, уларда бош ўққа нисбатан симметрик жойлашган чорчаманлар, боғ марказида эса кўшк тасвирланган.



11-расм. Чорбоғнинг Д.А. Нозилов яратган реконструкцияси.


Г.А.Пугаченкова бажарган реконструкциядан фаркли ўларок Д.А.Нозилов чорбоғнинг рангтасвирдаги яққолроқ ҳажмий-фазовий чизмасини ҳамда суғориш қурилмасини акс эттирган.

Темурийлар давридаги “Чорбоғ” боғ қурилиши схемасини архитектура номзоди Л.А. Адилова ҳам ишлаб чиққан. Унда “Чорбоғ”нинг тархйй тузилиши, ариқлар тизими, боғни ландшафт шакллантиришнинг схематик кўринишлари акс эттирилган. Л.А.Адилованинг ёзишича, “анъанавий боғ-парк санъатининг диққатга сазавор жойи ва эталони “Чорбоғ” бўлиб, у ўрта асрлар боғ ва паркларини маконий ва тархйй ташкил этишнинг модули вазифасини бажарган. Чорбоғни режалашнинг асосини боғнинг асосий ўқлари ва периметри бўйича мос тақсимланган ариқлар кўринишдаги суғориш тизими ташкил қилган”.


Боғнинг периметри ва ўқлари бўйича баланд дов-дарахтлар қатор қилиб ўтказилган. Улар кун давомида боғ ҳудуди ва йўлакларига соя солиб турган.

Манзарали баланд дарахтлар каторидан сўнг очиқ майдонларга мевали дарахтлар, йўлаклар четига эса гуллар экилган. Боғни бундай тархйй ва маконий ташкил этиш боғ ҳудудида очиқ ва сояли масканларни алмашлаш ва ҳудудни тик шамоллатиш имкониятини яратган.


2003 йилда юқорида келтирилган чорбоғ реконструкцияларини эътиборга олиб ва уларга қўшимча тарзда янги тарихий манбаларни ўрганиб, меъморчилик фанлари доктори, профессор А.С. Уралов, техника фанлари доктори, архитектор К.Ж. Рахимов ва архитектура номзоди Н.В. Дробченколар ҳаммуаллифлигида чорбоғнинг янги реконструкцияси ишлаб чиқилди (12-13-14-расм).



12-расм. Чорбоғнинг А.С.Уралов, К.Ж.Рахимов, Н.В.Дробченколар яратган реконструкцияси режаси. 2003 й.




13-расм. Чорбоғнинг А.С.Уралов, К.Ж.Рахимов, Н.В.Дробченколар яратган реконструкцияси лойихаси. 2003 й.



14-расм. Чорбоғнинг А.С.Уралов, К.Ж.Рахимов, Н.В.Дробченколар яратган реконструкцияси режасининг аксионометрик кўриниши. 2003 й.

Унда чорбоғ квадрат режада ишлаган бўлсада, унинг тўғри тўрт бурчакли, 1,5 ва 2 ланган квадрат кўринишлардаги бир неча бошқа варианты ҳам ишланиши мумкинлиги курсатилган. Чунки, чорбоғ режаси нафақат анъанавий квадрат “Чорбоғ” услубида, балки “Чорбоғ-хиёбон” услубида ҳам бўлиши мумкин. Бунга амалиётдан мисол тарзида Бобурийларнинг Лаҳор ва Кашмирдаги Лал кўли қошида яратган боғлари айнан шундай чўзинчоқ тархда, поғонасимон кўринишда бўлганлигини айтиб ўтиш kifоядир.

2005 йилда Самарқанддаги Амир Темур бунёд этган “Боғи Нақшижаҳон” чорбоғи режасини график қайта тиклаш лойиҳасини профессор А.С.Уралов раҳбарлигида дипломант С.Н. Садыкова ишлаган эди (15-16-17-18 расмлар). Унда чорбоғнинг тархи, перспектив кўриниши ва боғ кўшикдан ташқари айрим ландшафт дизайни элементлари ва боғ ўсимликлари ҳам ишланган.



15-расм. Самарқанддаги Амир Темур бунёд этган - «Боғи Нақшижаҳон» ни Чорбоғ услубида қайта тиклаш лойиҳаси. Дипломант Садыкова С.Н, раҳбари А. С. Уралов (СамДАҚИ) 2005 й.



16-расм. Ушбу «Боғи Нақшижаҳон» ни Чорбоғ услубида қайта тиклаш лойиҳаси макети. Дипломант Садыкова С.Н, раҳбари А. С. Уралов (СамДАҚИ) 2005 й.




17-расм. Самарқанддаги Амир Тему́р бунёд этган - «Боғи Нақшижаҳон» ни Чорбоғ услубида қайта тиклаш лойиҳаси кўринишлари. Дипломант Садыкова С.Н, раҳбари А. С. Уралов (СамДАҚИ) 2005 й.



18-расм. Самарқанддаги Амир Темур бунёд этган - «Боғи Нақшижаҳон» ни Чорбоғ услубида қайта тиклаш лойиҳаси кўринишлари. Дипломант Садыкова С.Н, раҳбари А. С. Уралов (СамДАҚИ) 2005 й.

Чорбоғнинг тўғри тўртбурчак шаклидаги график реконструкциясини архитектура номзоди Т.Ш.Маматмусаев ҳам ишлаган (19-расм). Ушбу вариантда чорбоғ марказида анъанавий кўшк-сарой, боғнинг тўрт тарафида эса ёзги кўшклар, боғнинг бош ва ёнбош хиёбонлари ҳамда ҳовузлар ва чорчаманлар яққол акс эттирилган.



19-расм. Чорбоғнинг Т.Ш. Маматмусаев ишлаган график реконструкцияси. 2011 й.
1-кўшк-сарой; 2-ёзги кўшклар; 3-ҳовуз; 4- дарвозалар



*20-расм. “Чорбоғ” услубидаги боғ лойиҳаси ва унинг ландшафт дизайни ечимлари.
Мажидова Зебо бажарган иш. Раҳбари арх.ном. Н.Н. Фоменко (ТАҚИ, 2011 й).*










*21-расм. Мажидова Зебо бажарган “Чорбоғ”нинг ташқи айланма
йўлак - галереяси.*

2013 йилда профессор А.С. Уралов раҳбарлигида СамДАҚИда доцент А.Э. Жонузоков ва дипломантлар С. Унгирова ва М.Туробовалар ҳаммуаллифлигида “Чорбоғ”нинг янги реконструкцияси яратилди. Мазкур ечимда ҳам чорбоғнинг тархи, аксионометрик кўриниши, экиладиган ўсимликлар ассортименти ва боғ дизайни элементлари кўрсатилган. Мазкур лойиҳадаги энг муҳим янгилик – бу “Чорбоғ”нинг бир саҳнда эмас, балки “икки ашёлик” қилиб ишланишидир. Иккинчи саҳн боғининг катта сайр қилиш хиёбонлари устига ишланиб, усти очиқ қурилмалари –“томошагоҳлар” дан иборатдир. Улар ўз навбатида ўзига хос боғ аттракционлари вазифасини ҳам бажариши кўзда тутилган, яъни иккинчи ашё хиёбонларидан сайр қилиб юрган кишилар бутун боғ манзарасини ердан туриб эмас, балки тўрт метр юқорида жойлашган хиёбон устидан туриб томоша қилиши, боғнинг мевали ва манзарали дарахтларга яқин бориши, уларнинг гуллари хидлаш ёки мевалардан тотиб кўриш ҳамда боғ таровати фонида бир-бирини расмга тушуриш, иккинчи ашёдан туриб завқланиш имкониятларига эга бўлади.

Иккинчи ашё хиёбонлари шунингдек биринчи қават, яъни ерни саҳнидани хиёбонлар бўйлаб юрганларга соябон вазифасини ҳам бажаради. Танланган дарахтлар ва бошқа ўсимликлар тарихий чорбоғларган хос анъанавий ўсимлик дунёси ва табиат манзараларини ўзида акс эттириши билан ажралиб туради.

Чорбоғнинг юқорида келтирилган график реконструкцияларини таҳлил қилиш, Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Туркияда бизгача сақланиб қолган тарихий чорбоғларни ҳамда улдарга хос меъморий-режавий анъаналарни ўрганиш бизга “Чорбоғ”услугидаги боғларни яратишда ўтмиш меъморлари ва боғбонлари қўллаган анъанавий тамойиллар (лойиҳалаш принциплари)ни ишлаб чиқиш имкониятини яратди (1-жадвал).

Т/р	Боғларнинг меъморий режавий ва ландшафт ечимларига хос тамойиллар	Ечимларнинг чизмаларда ифодаланиши	Ечимларнинг моҳияти ва самараси
1.	Боғ ҳудудини атроф-муҳитдан дарвоза ва девор орқали ажратиш, яъни уни холилаштириш		Боғ ҳудудига тўлиқ эгаллик қилиш ва унда холисона, жаннатмакон меъморий муҳит яратиш имкониятининг мавжудлиги
2.	Боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимини жой рельефига мос тарзда шакллантириш: текис ҳудудларда мунтазам режали симметрик боғлар яратиш; қияликларда эса мунтазам режани эркин табиат кўриниши-даги режавий ечимлар билан боғлаш ва боғ ҳудудини тиргак девор ва зинапоялар ёрдамида поғоналарга бўлиб чиқиш		Боғни ташкил қилишда жой рельефини эътиборга олиш, боғ ҳудудини тежамли ва тезкор суғориш, боғда табиий ландшафт манзараларини сақлаб қолиш имкониятларининг яратилиши
3.	Ҳар иккала режавий ечимда мунтазам тартибли симметрик чорбоғ, чорчаман, хиёбон ва чорчинор композицияларини қўллаш		Боғнинг ландшафт ечимида мунтазамлик ва ўзига хос орасталик тартибининг яратилиши, боғ манзарасини томоша қилиш ва очиқ муҳитли фазовий ландшафт композициясини яратиш имкониятининг туғилиши

4.	Боғларни кўкаламзор-лаштиришда манзарали ва мевали дарахтларни қўллаш, меъморий боғни хўжалик боғи билан мувофиқлаштириш, суғориш шаҳобчаларининг мунтазам ва тежамли тартибини белгилаш		Боғ ландшафти файзининг ошиши, уни нафақат меъморий истироҳат боғи тарзида, балки ундан хўжалик мақсадларида ҳам фойдаланиш имкониятининг яратилиши
5.	Боғлардаги “яшил дунёни” “сув дунёси” ва “ҳайвонот дунёси” билан уйғунлаштириш, ҳар бир дунёнинг экзотик турлари ва шаклларида фойдаланиш, иссиқ, қуруқ иқлимли ўлкаларда сув ва соя тамойилини ҳамда уларнинг турли шакллари қўллаш		Боғ микроиклимнинг яхшиланиши, боғ ландшафти, унинг биологик ва экологик уйғунлигининг ошиши, боғ муҳитига табиий гўзаллик ва орасталикнинг бахшида этилиши
6.	Боғнинг бош биноси (сарой ёки кўшк)ни табиий ёки сунъий ишланган тагкурси, платформа ёки стилобатга жойлаштириш. Тўхтаб дам олинадиган жойларга чорпоялар ўрнатиб, уларнинг остида ариқларда жилдиратиб сув ўтказиш		Боғ бош биносининг салобати ва маҳобатининг ошиши, ландшафт муҳити билан сунъий уйғунлашиши. Меъморий шаклнинг яхлитлиги ва унга урғу берилиши. Табиат билан уйғун боғланган дам олиш жойларининг яратилиши.
7.	Боғ хиёбонларининг боши ва охири, кесишган жойларини гўзал меъморий композициялар (ҳовуз, фаввора, кўшк, воиш ва шу кабилар) билан безаш		Ўйлакларнинг боши ва охири, хиёбонлар кесишган жойлар меъморий ечимлари сифатининг яхшиланиши, уларнинг ландшафт композициялари ва мўъжаз меъморий шакллар билан бойитилиши
8.	Хиёбонларни қуёш нури этиборга олиб уфқ томонларига мос ҳолда кўкаламзорлаштириш ва боғда кўпроқ сояли муҳитларни ташкил қилиш, жанубий-ғарбий ва меридионал йўналишдаги хиёбонларни ёпик, бошқа йўналишдаги хиёбонларни эса очик тарзда лойиҳалаш		Хиёбонлар микроиклимнинг яхшиланиши, соя-салқиннинг тезкор таъминланишига эришиш

Бу тамойиллар ва юқорида келтирилган чорбоғларнинг график реконструкциялари Республикамизда келажакда бунёд этиладиган замонавий боғларни Мустақиллик даври ёки Ўзбекистонда собиқ иттифок даврида қурилган мавжуд маданият ва истироҳат боғларини тарихий-миллий қадриятларимиз асосида шакллантириш ва қайта қуриш учун назарий-меъёрий асос бўлиб хизмат қилади.

4. Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни ландшафт лойиҳалашга қўйиладиган экологик талаблар

Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни ландшафт лойиҳалаш жараёнида миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни хусусиятидан келиб чиқиб бино-иншоотлар ва қурилмалар, суғориш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришларнинг ландшафт режавий ечимлари шаҳар-созлик талаблар билан бир қаторда экологик талаблар яъни атроф муҳитни, иқлимни муҳофаза қилишга, табиий ландшафтни сақлаш, табиий иқлимни яхшилаш ва атроф муҳитни ифлосланишидан сақлашга қаратилиши лозим. Бундан ташқари бу ердаги жойнинг иқлим шароитига ва лойиҳаланаётган атроф муҳитга ҳамда мавжуд сақланиб қоллиниши лозим бўлган бино-иншоотлар ва дарахт-буталарга умумий солиштирма баҳо бериб, мавжуд шаҳарсозлик ва техник муҳандислик қурилмаларини курс лойиҳасига тадбиқ этиш талаб қилинади.

5. Талабаларга миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни ландшафт лойиҳалашда қўйиладиган ўқув услубий ва замонавий талаблар

Талабалар ландшафт лойиҳалаш фанидан миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни ландшафт лойиҳалаш мавзусида мазкур курс лойиҳасини бажариш учун юқорида курсатиб утилган архитектура ва шаҳарсозлик ҳамда ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалашда амалга оширилиши лозим бўлган барча талаблар ва улардаги меъморчилик асосларини таҳлил қилиш бўйича кўникма ва малака ҳосил қилиши лозим.

Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни ландшафт лойиҳалаш ва таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари билан боғлиқ бўлган тадқиқот ҳамда лойиҳалаш ишларини бажариш учун:

- нашрий ва бошқа манъбалар асосида тарихий миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг ўз даврига ва ҳудудига, унинг турларига хос бўлган жиҳат ва сифатлари тўғрисида билимга;
- таъмирлаш ва лойиҳалаш ишларини бажариш учун адабий-илмий, архив манъбаларга таянган ҳолда муайян миллий боғлар -“Чорбоғ”лар ҳақида етарли даражада маълумот тўплаш олиш кўникмасига;
- миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг турини ажрата олиш, унинг атроф муҳити, иқлимни муҳофаза қилиш, табиий ландшафтни сақлаш, табиий иқлимни яхшилаш ёки дастлабки тарихий ҳолатини тиклаш бўйича таҳлил қилиш малакасига эга бўлишлари керак.

Мустақиллик йилларида архитектура ва шаҳарсозлик ҳамда ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалашда тарихий шаҳарларимиздаги мавжуд меъморий миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни таъмирлаш, уларни қайта тиклаш ҳамда янги ландшафт архитектураси объектлари миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни лойиҳалаш ва қуриш муаммоларига катта аҳамият берилиб, ушбу соҳадаги мутахассисларга катта талаблар қўйилмоқда.

Ушбу мақсадларни амалга оширишда миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни лойиҳалаш мавзуси бўйича курс лойиҳасини бажариш жараёни муҳим ўринга эгадир.

6. “Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни ландшафт лойиҳалаш” мавзуси бўйича курс лойиҳасини бажариш дастури ва топшириғи

Рельефи нисбатан текис ҳудудга ва шакли берилган ҳолатга кўра аниқланадиган жойга миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни барча функционал зоналари, меъморий-режавий композицияси, яъни миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг бош режаси ва ландшафт ечими курс лойиҳаси тарзида ишлаб чиқилади.

Курс лойиҳасида бажариладиган эскиз чизмаларининг таркиби:

- 1) Берилган ҳолат чизмаси (**М 1: 5000**)
- 2) берилган ҳолат бўйича миллий боғлар -“Чорбоғ”лар функционал зоналарининг жойлашиш схемаси чизмаси (**М 1: 5000**);
- 3) Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг меъморий режавий ечими (**М 1: 5000**);
- 4) Миллий боғлар-“Чорбоғ”ларнинг бош режаси (ландшафт ечими билан бирга миллий боғлар -“Чорбоғ”лар элементларининг ўзаро нисбати сақланган ҳолда ишланади) **М 1: 1000** ёки **М 1: 500**.
- 5) Миллий боғлар-“Чорбоғ”лар ҳудудини кўкаламзорлаштириш учун танланган дарахт ва бўталарнинг шартли белгилари, шакллари ва сони.

Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг функционал жойлашиш схемасида талаба миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг барча функционал зоналарини шу ҳудудда тўғри жойлаштириши ва уларни шартли белгилар ёрдамида ёки чизмада ёзиб кўрсатиши зарур.

Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг меъморий-режавий ечимида ушбу чорбоғнинг бош кириш дарвозаси, бош ҳиёбон, катта ва кичик сайр қилиш ҳиёбонлари, йўллар ва майдонларининг жойлари ва уларга бориладиган йўллар кўрсатилиши керак.

Миллий боғлар-“Чорбоғ”ларнинг бош режаси ва ландшафт ечимида ушбу чорбоғ ҳудудини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, дарахт ва буталарнинг экилиш ва жойлашиш композициялари, уларнинг номлари, гулзорлар, майсазорлар, фавворалар, сув ҳавзалари, миллий боғлар -“Чорбоғ”лар меъбеллари ва жиҳозларини эскиз тарзида кўрсатилиш талаб этилади.

Курс лойиҳасига ажратилган вақт ичида ўлчами 80х80 см бўлган иккита ватман қоғозга ёки картонга миллий боғлар -“Чорбоғ”лар ечимининг чизмалари бажариш талаб этилади. Лойиҳа талабанинг истагига кўра рангли фламастерларда, рангли қаламлар ёки акварель ёрдамида бажарилиши мумкин. Қоғоз юзасида миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг барча чизмаларини тушунтирувчи шартли белгилар ва ёзувлар билан таъминланган чиройли меъморий-ландшафт композицияси акс эттирилиши керак. Талаба хоҳишига кўра курс лойиҳаси компютер дастурида ҳам бажарилиши мумкин.

7. Ишни баҳолаш мезони

Бажарилган иш максимал **70 балл** билан баҳоланади.

Курс лойиҳаси талаба бажарган ишдаги чизмаларнинг тўлиқлиги ва сифатига қараб баҳоланади.

Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг функционал зоналарини аниқлаш ва уларни ушбу чорбоғ ҳудудида жойлаштириш вазифасига максимал **10 балл** (саралаш бали 5,6) ажратилган.

Шундан:

а) миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг функционал зоналарини тўғри аниқлашга **5 балл**;

б) функционал зоналарни миллий боғлар -“Чорбоғ”лар ҳудудида тўғри жойлаштиришга **-5 балл**.

Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг меъморий-режавий чизмаси максимал **20 балл** (саралаш бали 11,2) билан баҳоланади.

Шундан:

а) миллий боғлар-“Чорбоғ”ларнинг бош дарвозасини тўғри жойлаштиришга - **3 балл**;

б) миллий боғлар -“Чорбоғ”ларнинг бош ҳиёбонини тўғри жойлаштиришга - **3 балл**;

в) катта ва кичик сайиргоҳ ҳамда йўлларнинг тўғри чизилишига **-3 балл**;

г) миллий боғлар-“Чорбоғ”лар режасини чизмада тўлиқ акс эттирилишига - **6 балл**;

д) миллий боғлар -“Чорбоғ”лар иморатлари ва қурилмаларини парк ҳудудида тўғри жойлаштиришга **-5 балл**.

Миллий боғлар -“Чорбоғ” ларнинг бош режаси ва ландшафт ечимига максимал **30 балл** (саралаш бали 16,5) билан баҳоланади,

Шундан:

а) миллий боғлар -“Чорбоғ”лар режасида ўсимликларнинг тўғри танланиши ва уларнинг чизмада тўғри кўрсатилишига **-10 балл**;

б) танланган ўсимликлардан тузилган яшил композицияларнинг чизмада тўғри кўрсатилишига **-10 балл**.

в) парк ҳудудини кўкаламзорлаштириш учун танланган дарахт ва буталар-нинг шартли белгилари, шакллари ва сортининг кўрсатилганлигига **-10 балл**.

Бу бажарилган ишнинг график савияси ва зарурий тушунтириш ёзувларининг чизмада тўғри кўрсатилиши ҳисобланиб, унга максимал **10 балл** (саралаш бали 5,6) ажратилган. Агар бажарилган ишнинг графикаси яхши бўлсаю, зарурий ёзувлар кўрсатилмаса **6 балл**, барча ёзувлар кўрсатилган бўлса яна **4 балл** қўшилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Уралов А. С. Садикова С. Н. Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услуби ва замонавий бог-парк санъати./ – Самарқанд, 2012. 6-15 б.

2. Садикова С. Н. Уралов А. С. Методические указания по проектированию садов и парков в стиле “Чорбоғ” в условиях Ўзбекистана./– Самарқанд, 2011. 8-19 б

3. Горохов В.А. Городское зеленое строительство.//–М., 1991. 18-31 б.

4. Исомухаммадова Д. У., Адилова Л. А. Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси. (II- қисм).-// Т., 2010. 105-115 б.

5. Кузьмичев И., Печеницын В. Озеленение городов и сел Узбекистана//.–Т., 1979. 45-58 б.

6. Рахимов К.Ж., Уралов А.С. Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати./ – Тошкент, 2013. 45-60 б.

7. Теодоронский В.С., Сабо Е.Д., Фролова В.А. Строительство и эксплуатация объектов ландшафтной архитектуры.//–М., 2008.36-42 б.

8. Уралов А.С., Ҳамидова Д.А. Ландшафт архитектураси ва дизайннинг ер рельефи билан боғлиқ қурилмаларини шакллантириш бўйича услубий қўлланма.//– Самарқанд, 2012. 11-15 б.

9. ШНҚ 2.07.01-03. “Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ва ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалри. –Т., 2009.

Мундарижа

Кириш	4
Миллий боғлар -“чорбоғ”ларни ландшафт лойиҳалаш тамойиллари.....	5
Ананавий миллий боғлар -“Чорбоғ”лар ҳақидаги умумий тушунчалар ва “Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ҳамда ландшафт ечимларига хос анъаналар	5
2.“Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимлари	5
3.Замонавий ландшафт архитектураси ва боғ-парк амалиётида “Чорбоғ” услубини қайта тиклаш бўйича ишлаб чиқилган график тиклифлар.....	12
4. Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни ландшафт лойиҳалашда қўйиладиган экологик талаблар	21
5. Талабаларга миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни ландшафт лойиҳалашда қўйиладиган уқув услубий ва замонавий талаблар	21
6. “Миллий боғлар -“Чорбоғ”ларни ландшафт лойиҳалаш” мавзуси бўйича курс лойиҳасини бажариш дастури ва топшириғи	21
7.Ишни баҳолаш мезони	22
Мундарижа	24

Чиқиш белгилари: СамДАҚИ. Формат А4 Буюртма _____. Адади 50 нусха Ҳажми
2,0 б. т.

